
Фурқат туманида вилоятимизнинг 19 та шаҳар ва туманлари ўртасида спортнинг қўл жанги бўйича

“Ёшлар ўртасида гиёҳвандлик воситаларининг тарқалишига қарши курашиш ойлиги ” муносабати билан болалар ва ўсмирлар ҳамда уюлмаган ёшлар ўртасида спортнинг Қўл жанги тури бўйича Фурқат тумани ҳокими кубоги вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилмоқда.

Мусобақани очиб бериш учун туман ҳокими Жаҳонгир Жуманов бошчилигида сектор раҳбарлари туман болалар ва ўсмирлар спорт мактабига ташриф буюрди.Туман ҳокими ёшларга "Инсоннинг ўзига бўлган ишончи ортишида спортнинг ўрни бекиёс. Спортга ошно бўлган инсон ҳеч ҳам ортда қолмайди" деб ёш спортчиларга омад тилади.

Мусобақага Шарқий ҳарбий округ қўшинлари Қўқон шаҳридаги ҳарбий қисм ҳарбий хизматчилари кўргазмали ва қўл жанги чиқишлари билан ўзгача шукуҳ улашди.

Фурқат тумани мезбонлигида ўтган мусобақада вилоятимизнинг барча шаҳар туманларидан келган 10-18 ёш , 18 ёшдан катта уюлмаган ёшлардан иборат 200 нафардан зиёд ўсмирлар куч синашдилар. Мусобақада ғолиб бўлган спортчилар туман ҳокими томонидан диплом, медаллар ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Мусобақа сўнгида Фурқат тумани ҳокими Жаҳонгир Жуманов Ўзбекистон Ҳуқуқни Муҳофаза қилиш органларини Қўл жанги федерацияси Фарғона вилояти бўлими томонидан ёшларни спортга бўлган шижоатини оширишда кўрсатган ёрдамлари учун махсус совғаси билан тақдирланди.

2022-02-21 20:10:26